

2022 й. 07.01. ООО «ROMITAN OIL GRAND SERVICE » ва Ромитан тумани
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими билан 998200 сўм миқдордаги
5-сон шартномага

ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб 250

Шахсий газна ҳисоб варак: 100022860062427042133250001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7042133250 (4252500)		...(*)	
Январ	998200			998200
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	998200			998200


Жами: 998200 сўм (тўққиз юз тўқсон саккиз минг икки юз сўм) .

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 100% 2022 йил жорий ойнинг охиригача санасигача тўланиши лозим.



Раҳбар

Бош ҳисобчи


(имзо)

У.Ҳодиев


(имзо)

Х.Умарова

Ҳазначилик бўлини маси
ходими қабул қилди
2022 й. « _____ » _____

(имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди
2022 й. « _____ » _____

(имзо)

НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № 5

2022 йил «07»01

Ромитан тумани

ООО " ROMITAN OIL GRAND SERVICE ", (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Рахимов Х(вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Ромитан тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи У.Ходиев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»га сиқилган газ ёки қилинган газ бўйича 2022 йилда ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт махсулотлари (сиқилган газ) турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан шартнома таркибида курсатилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

№	Махсулот(товар ва хизматлар)номи	Улчов бирлиги	нархи	миқдори	суммаси
1	Сиқилган газ	Метр куб	2300	434	998200
	Ж а м и	Х	х	Х	998200

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги вақтинчалик харажатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3.Шартноманинг умумий суммаси 998200 (тўққиз юз тўқсон саккиз минг икки юз) сўмни ташкил қилади. Шартноманинг суммаси нефт махсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган нефт махсулотларининг нархлари, нефт махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1 Сиқилган газ махсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (керакисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Сиқилган газ махсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3.«Истеъмолчи» Сиқилган газ махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда сиқилган газ махсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4.«Таъминотчи» оморига махсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5.Сиқилган газ махсулотлари қуйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамағланади. Тамағалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6..Сиқилган газ махсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт хужжатларида транспорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7.«Таъминотчи» махсулот йўқлиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт. Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2.«Истеъмолчи» олаётган сиқилган газ махсулотларининг ҳақини қуйидагича тўлайди.

Сиқилган газ махсулотлари учун олдиндан тулов миқдори ойлик тулов жадвалида курсатилган суммани, яъни, белгиланган ойлик сумманинг 100 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг жорий ойнинг 31-санасигача амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори яъни кейинги ой учун тулов эса утган ой учун тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат) тақдим қилинганда сўнг 2022 йил жорий ойнинг 31 санасигача амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида қилинган маблағлар доирасида амалга оширилади.

«Таъминотчи» сиқилган газ маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда бўлади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари ҳисобга олинади.

3.5. Сиқилган газ маҳсулотларининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Сиқилган газ маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жиҳатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» сиқилган газ маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган сиқилган газ маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни сиқилган газ маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган сиқилган газ маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» сиқилган газ маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган сиқилган газ маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган сиқилган газ маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва сиқилган газ маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган маҳсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Сиқилган газ маҳсулотлари тўлиқ олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига қафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган сиқилган газ маҳсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган Тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекс ива «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга амалга қилган ҳолда тартибга келтирилади.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик судлари томонидан хал қилинади.

9.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

9.4. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджети кодексининг 122-моддасига асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил «31»12 гача кучда бўлади.

10.Томонларнинг реквизитлари

«Бажарувчи»

ООО«ROMITAN OIL GRAND SERVICE»

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил:Ромитан туман Зарафшон МФЙ.

Тел./факс

х/в 20208000600372138001

Ромитан тумани Халқ банки

МФО 00669 ИНН 302905778

ОКОНХ 47300



Рахбар

(Ф.И.Ш)

Вахимов Х

«Буюртмачи»

Ромитан тумани Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Ромитан шаҳар Х.Азизон кўчаси 6 уй

Тел./факс: 65-552-25-47

ш/х 100022860062427042133250001

МФО:00014 ИНН: 200978375 ОКОНХ 22200

Ромитан туман Ғазначилик бўлини маси

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бов бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази

(ХККМ)

МФО:00014

Ғазначилик бўлини маси СТИРи 201 122 919

Рахбар Шодиев



Shodiev

Юридик аҳамиятга эга ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига
мувофиқлиги тўғрисида
ҳуқуқий ҳулоса
№ HE2568780477

1. Лойиҳанинг тури: шартнома
2. Лойиҳанинг номи ва мазмуни:

Ромитан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг 2022 йил 07 январдаги 5-сонли ООО "ROMITAN OIL GRAND SERVICE" билан тузилган "Нефт маҳсулотларини етказиб бериш" тўғрисидаги шартномаси.

3. Лойиҳа ишлаб чиқарувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот.

Мазкур 5-сонли шартнома Ромитан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан 2022 йил 07 январда ишлаб чиқилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Тайёрлади:
Ромитан туман юридик хизмат кўрсатиш
маркази бош юрисконсульти:



Д.Рамазонов

07.01.2022 й.